

Экологик-Хўжалик Ҳолатни Оптималлаштиришда Муҳофаза Этиладиган Табиий Ҳудудларнинг Аҳамияти

Абдуганиев Олимжон Исомиддинович¹, Нишонов Баҳром²

Аннотация: Ушбу мақолада геоэкологик вазиятни баҳолаш билан боғлиқ тадқиқотлар таҳлил қилинган ва ҳудудларнинг экологик-хўжалик кўрсаткичларини оптималлаштириш бўйича тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: геоэкологик вазият, экологик-хўжалик кўрсаткичлар, баҳолаш, экологик муаммолар, экологик-хўжалик ҳолат, экологик-хўжалик мувозанат.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт тармоқларини янада ривожлантириш ва уларни ер ресурсларига бўлган эҳтиёжини оптимал даражада қондириш долзарб вазифалардан биридир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида қайд этилганидек, “халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал ва хом ашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш; атроф-табиий муҳит, аҳоли соғлиғи ва генофондига путур етказувчи экологик муаммоларнинг олдини олиш”³ жуда муҳим ҳисобланади.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ижтимоий-иқтисодий ва экологик вазифаларни оқилона ҳал этиш йўллари билан бири минтақанинг экологик каркасини (Ecological nets, Emerald Network, Econet) шакллантириш ҳисобланади. Чунки, экологик каркас (ЭК) табиатни муҳофаза қилиш ва ундан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бир-бирига қарама қарши чора-тадбирларини ўзида бирлаштирган яхлит тузилма сифатида намоён бўлади. Бунда асосий эътибор, мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий тузилмаси бўйича ер фондини таҳлил қилишга қаратилади. Натижада, маъмурий бирликлар доирасида ер фондининг ҳолати, уларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгариши, минтақадаги атроф-табиий муҳит ҳолати ва юз бериши мумкин бўлган экологик муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни олдини олиш бўйича тезкор чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлаемиз [3, 11].

Минтақанинг экологик-хўжалик ҳолати ва мувозанатини таҳлил қилиш бўйича тадқиқотлар Россияда В.Б.Сочава, А.П.Золовский, А.Г.Исаченко, Б.И.Кочуров, Ю.Г.Иванов, В.А.Лобковский ва бошқалар томонидан олиб борилган. Тадқиқот натижаларининг дастлабки синов ишлари Б.И.Кочуров, Ю.Г.Иванов ва В.А.Лобковскийлар томонидан Москва вилояти ва Олтой республикаси ҳудудларида амалга оширилган [1, 4, 10].

Ўзбекистон Республикасида геоэкологик вазиятни баҳолаш билан боғлиқ тадқиқотлар А.А.Рафиқов, А.А.Абулқосимов, Л.А.Алибеков, Н.И.Сабитова, А.С.Солиев, А.Н.Нигматов, Ю.Ахмадалиев, Н.Қ.Комилова, А.Раҳматуллаев ва бошқалар томонидан ўрганилган. А.А.Рафиқов (1997) илмий раҳбарлигида чоп этилган “Ўзбекистон Республикасининг экологик картаси”да ландшафтлар бўйича экологик вазиятни баҳолаш ишлари амалга оширилган. Шунингдек, тадқиқотчилар томонидан табиий муҳитни оптималлаштириш ишлари геосистемалар доирасида ландшафт-географик мезонга асосланилиши илмий ва амалий жиҳатдан асослаб берилган.

Бугунги кунда минтақа ёки ҳудудларнинг экологик-хўжалик кўрсаткичларини баҳолаш бўйича, бир-бирига ўзаро яқин ҳамда бир-бирини тўлдирадиган иккита, яъни экологик-хўжалик ҳолат (ЭХХ) ва экологик-хўжалик мувозанат (ЭХМ) тушунчалари мавжуд. Б.И.Кочуров, Ю.Г.Иванов ва В.А.Лобковский томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида ЭХМ концепцияси яратилди ва амалда мувафақиятли синовдан ўтказилди [2, 9].

Таҳлилларда ҳудуднинг ЭХМнинг мутлоқ ва нисбатан зўриқиш коэффицентлари, муҳитни барқарорлаштиришга қодир бўлган ер участкалари, антропоген ўзгартиришнинг интеграл коэффицентлари, ҳудуднинг ресурс билан таъминланганлик кўрсаткичлари, табиатни муҳофаза қилиш мақомига эга ҳудудлар майдони ва экологик фонд ерлари аниқланади. Олинган натижалар асосида минтақадаги экологик-хўжалик мувозанат ҳолатини ҳамда экологик каркас тузилмаси таркибини баҳолаш имконига эга бўлаемиз. Экологик каркасни такомиллаштириш мақсадида экологик-хўжалик мувозанат баҳолашда қуйидаги ёндашув ва методларга алоҳида эътибор қаратилади [5, 6, 7, 8, 9]:

¹ г.ф.н., доцент Фарғона давлат университети

² Ўқитувчи Фарғона давлат университети

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. 2017 йил 7 февраль. <http://lex.uz/pages/getpage>.

- ер фонди тоифаларининг ер турлари бўйича таксимланишини ҳамда ердан фойдаланиш тартиби ва тузилмасини таҳлил қилиш;
- мавжуд ер фондини ҳар бир минтақа ёки маъмурий туманлар бўйича оптимал нисбатини аниқлаш;
- МЭТХлар тўрининг хозирги ҳолатини анализ қилиш;
- экологик каркас тузилмасида табиий ландшафтлар билан антропоген ўзгарган ҳудудларнинг оптимал нисбатини аниқлаш;
- янги МЭТХларни ташкил этиш имкониятини аниқлаш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- асосий хўжалик фаолият турларини оқилона жойлаштириш ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш.

Маъмурий-худудий бирликлар бўйича ЭК элементларини танлашда қуйидагиларга эътибор қаратилади: ҳар бир тумандаги табиий ландшафт элементларини сақланганлиги, биологик турларни тарқалиши ва ноёблиги, аҳоли сони ва зичлиги, аҳоли пунктларининг зичлиги, тумандаги ривожланган хўжалик тармоқлари ва бошқалар. Агар антропоген юк ёки антропоген зўриқиш даражаси критик ҳолатда бўлса, экологик каркасинг табиий элементларини максимал даражада ажратиш ва сақлаб қолишга ҳаракат қилинади. Экологик каркас элементлари ареал, тугун, нукта ва чизикли кўринишда бўлиб, функционал жиҳатдан бир-бирини тўлдиради ҳамда уларнинг йиғиндиси каркасни ташкил этади [5, 6, 7, 8, 9].

Юқорида келтирилган талабларга кўра, минтақанинг экологик-хўжалик юк кўрсаткичларини ландшафт-экологик асосга тушуришнинг аҳамияти каттадир. Ер тузиш тадбирларини ландшафт ёндашуви методикаси билан биргаликда амалга ошириш геоэкосоциотизим доирасида ичида амалга оширилади. Бу ерда бошқарувнинг ҳар бир даражасига мос келадиган ҳамда, маъмурий тузилишига бўй сунадиган геоэкосоциотизимнинг иерархик структураси тақриф қилинади [1, 2, 9, 10].

Тадқиқотда худудни ташкил этувчи учта таркибий қисми бўйича табиатнинг асл комплекслари, экотонлар ва хўжалик фаолияти билан банд бўлган ер участкалари ўртасидаги мувозанатга аниқлаш талаб этилади. Бундай мутаносибликка амал қилиш орқали антропоген юкнинг даражаси худуднинг барқарорлик имкониятидан ошиб кетишига йўл қўймайди. Бундай талаблар минтақанинг табиий-ресурс салоҳиятини сақлаб қолиш орқали хўжалик фаолиятини барқарор ва муваффақиятли олиб борилишини таъминлаш учун зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кочуров Б.И. Основные направления развития землеустройства в России / Б.И.Кочуров, Ю.Г.Иванов, В.А.Лобковский // Экологическое планирование и управление, 2006. – № 1. – С. 51–57.
2. Лобковский, В. А. Эколого-хозяйственная оценка территории с целью совершенствования структуры землепользования: На примере Московской области [Текст]: автореф. дис..... канд. геогр. наук: 11.00.11 – «Охрана окружающей среды и рациональное использование природных ресурсов» / Лобковский Василий Анатольевич. – Москва : Моск. пед. ун-т, 1999. – 24 с.
3. Абдуганиев, О. И., Махкамов, Э. Г., & Комилова, Т. Д. (2020). ГЕОЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ. *Экономика и социум*, (4), 1072-1077.
4. Abduganiev, O. I., & Turdiboyeva, S. (2019). Estimation of ecological-economic condition of territories (on the example of Ferghana regions). *Экономика и социум*, (9), 371-377.
5. Abduganiyev Olimjon Isomiddinovich (2018). Comparative analysis of the protected natural territories of the Republic of Uzbekistan and the international Union of nature protection. *European science review*, (9-10-1), 67-70.
6. Mahkamov, E. (2021, July). GEOGRAPHICAL DISTRIBUTION OF MEDICAL PLANTS OF THE FERGHANA VALLEY, RECREATION POSSIBILITIES AND GEOECOLOGICAL ASPECTS OF THEIR PROTECTION. In *Конференция*.
7. Isomiddinovich, A. O., & Yigitaliyevich, X. R. (2021). Territorial Structure and Stability of Ecological Framework. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 29(2), 462-467.
8. Abduganiyev, O., Obidjonov, U., & Mominova, S. (2022). BIOLOGICAL DIVERSITY AND PROBLEMS OF ITS CONSERVATION (ON THE EXAMPLE OF THE FERGHANA VALLEY). *Academic research in educational sciences*, 3(4), 1108-1114.
9. Olimjon Isomiddinovich AbdugʻAniev, & Shaxloxon Hakimjon Qizi Turdiboeva (2021). FARGʻONA TUMANINING EKOLOGIK-XOʻJALIK HOLATINI BAHOLASH VA OPTIMALLASHTIRISHNING GEOEKOLOGIK JIHATLARI. *Academic research in educational sciences*, 2 (7), 247-256. doi: 10.24412/2181-1385-2021-7-247-256
10. Олимжон Исомиддинович Абдуганиев, Турсунной Дилмуродовна Комилова, & Муҳаммадюсуф Темурхон Ўғли Мухториддинов (2022). УРБАНИЗАЦИЯЛАШГАН ХУДУДЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ХОЛАТИНИ БАҲОЛАШДА ГАТ-ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (5), 757-765.
11. Olimjon Isomiddinovich AbdugʻAniyev, Shaxloxon Hakimjon Qizi Turdiboeva, & Hamidaxon Rustamjon Qizi Abdullayeva (2022). BARQAROR TARAQQIYOT VA ETNOEKOLOGIYA. *Academic research in educational sciences*, 3 (5), 94-101.